



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 13 декабр, жума №195 (1412)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАҲОН ЕТАКЧИЛАРИ ОРАСИДА ЭНГ ЮҚОРИ РЕЙТИНГ ЭГАСИ

Шу кунларда Американинг ижтимоий тадқиқотлари билан дунёга танилган нуфузли Пью Ресерч Сентер тадқиқот маркази 2002 йилда дунёнинг асосий 44 та мамлакатда ўтказилган «Глобал ижтимоий муносабат» ижтимоий фикр сўрови натижаларини эълон қилди. МДХ мамлакатларидан сўров Ўзбекистон, Россия ва Украинада ўтказилди.

Сўров натижалари кўрсатдики, мамлакатлар фуқароларининг ўз етакчилирига муносабати жиҳатидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов дунё давлат раҳбарлари орасида энг юқори рейтингга эга, сўралганларнинг 95 фоизи унга хайрихоҳлик билдирган. Муқояса қилинадиган бўлса, Президент В.Путин фаолиятини 85 фоиз, Президент Ж.Бушни 71 фоиз, Франция Президенти Жак Ширакни 62 фоиз, Германиянинг федерал канцлери Герхард Шрёдерни 57 фоиз, Буюқ Британия Бош вазири Тони Блэрни 54 фоиз, Президент Л.Кучмани эса 33 фоиз аҳоли қўллаб-қувватлаган.

Сўров натижаларига кўра Ўзбекистон аҳолисининг 62 фоизи мавjud иқтисодий вазиятни жуда қулай деб баҳолайди, бу эса Хитой (92 фоиз), Канада (70 фоиз), Буюқ Британия (65 фоиз)дан сўнг тўртинчи кўрсаткичдир. Россия ва Украинада ушбу кўрсаткич тегишлича 13 ва 10 фоизни ташкил этган.

Дунёнинг тадиққ этилаётган мамлакатлари аҳолисининг мамлакат ички сийёсатида муносабатини баҳолаш мақсадида мазкур мамлакатда яшаётганидан розимисиз, деган мазмунда савол берилган. Сўров натижаларига кўра Ўзбекистон аҳолисининг 69 фоизи ўз мамлакатда яшаётганидан рози эканини билдирган. Кейинги ўринларда Канада (56 фоиз), Хитой (48 фоиз), АҚШ (41 фоиз), Чехия (36 фоиз), Буюқ Британия (32 фоиз) туради. Россияда бу кўрсаткич 20 фоизни, Украинада бор-йўғи 10 фоизни ташкил этган.

Шуни айтиш керакки, Американинг мустақил ижтимоий маркази тадқиқотларидан бутун дунёдаги сийёсий арбоблар, илмий, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари кенг фойдаланади. У ўтказган глобал сўров натижалари халқаро оммавий ахборот воситаларида кенг муҳожама этилмоқда. Сўров натижалари Ўзбекистон танлаган мустақил тараққиёт йўли тўғри ва самарали эканини ҳамда мамлакатимиз аҳолисини Президент Ислам Каримов олиб бораётган ислохотлар йўлини қўллаб-қувватлашини яна бир бор исбот этди. (ЎЗА).



ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

12 декабр кунин Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини бошлади. Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этмокда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди. Олий Мажлис сессиясининг ишчи органи - Котибиятни ташкил қилди, кун тартибини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида молия вазири М.Нурмуродов маъруза қилди. Ушбу масала бўйича қўшимча маъруза учун Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримовга сўз берилди.

Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати муҳокамасида «Пахтабанк» акционерлик тижорат банки бошқаруви раиси Қ.Тошматов, Самарқанд давлат университети ректори Р.Холмуродов, Алишер Навоий но-

мидаги Академик опера ва балет Катта театри етакчи хонандаси М.Раззоқова, Андижондаги «Маҳаллий саноат» ишлаб чиқариш-савдо акционерлик компанияси раиси М.Юсупов, «Бухородонмахсулот» ишлаб чиқариш-акционерлик уюшмаси раиси Б.Бозоров иштирок этди. Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг келгуси йилги Давлат бюджетини маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонулар лойиҳаларини парламентнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов депутатлар муҳокамасига ҳавола этди.

Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов сўзга чиқди.

Давлатимиз раҳбари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги

конституциявий қонуларнинг олий ҳокимият органларида халқ хоши-иродасини янада кенгроқ таъминлаш, ҳуқуқий демократик жамият қуришда улкан аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги парламентаризм тажрибаси, Ўзбекистон халқининг қадриятлари ва менталитетини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳалари турли сийёсий кучлар ва ҳудудларнинг вакили бўлган қонун чиқарувчиларнинг энг муҳим давлат масалаларини ҳал этишдаги ролини кучайтиришга қаратилган. Президент аҳолининг турли қатламлари манфаатларини амалга оширишнинг энг мақбул механизмини яратиши, мамлакатнинг профессионал олий қонунчилик органини шакллантириш учун бўлгуси парламентнинг иккала палатаси ваколатларини аниқ белгилаш зарурлигини алоҳида қайд этди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги қонун лойиҳалари муҳокамасида Ўзбекистон Халқ-демократик партияси Қашқадарё вилояти кенгашининг биринчи котиби Ф.Омонов, Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот

қўмитаси раисининг ўринбосари, «Миллий тикланиш» демократик партияси раиси И.Фафуров, Олий Мажлисининг Регламент, одоб ва дспутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси раиси, Хоразм вилояти хотин-қизлар қўмитаси раиси Ш.Хўжаниёзова, «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАЖ бошқаруви раиси - бош директори В.Кучеров, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари А.Болиёв, Наманган давлат университети ректори Т.Файзуллаев, «Фон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори М.Ашуров қатнашди.

Олий Мажлис «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонулар ҳамда уларни амалга киритиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилди.

Парламент сессияси биринчи иш кунининг кечки мажлиси янги тахрирдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Бу ҳада

Олий Мажлисининг Мудрофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов ахборот берди.

Янги тахрирдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасида Қоракўл тумани ҳокими А.Раҳмонов, Олий Мажлисининг Ёшлар ишлари қўмитаси котиби Н.Қамбаров, Сурхондарё вилоят кўз касалликлари шифохонаси бош шифокори Р.Мухаммадиев иштирок этди. Депутатлар янги тахрирдаги ушбу қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Шундан сўнг Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди.

Мазкур ҳужжат юзасидан Паркент тумани ҳокими М.Кўчичев, «Бухоротуррист» акционерлик жамияти раиси М.Зокиров, Қамати тумани марказий шифохонаси бош шифокори А.Фофуров ўз фикрларини билдирди. Депутатлар ушбу қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

13 декабр кунин иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

қинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини ҳавола этди. Мазкур ҳужжат муҳокамасида Ўзбекистон жаҳон тиллари университети проректори Г.Боқиева, Хива тумани ҳокими М.Мадаминов, Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ҳ.Охунов, «Тафаккур» журналі бош муҳаррири Э.Аъзамов иштирок этди. Олий Мажлис ушбу қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Шундан сўнг Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Мазкур ҳужжат юзасидан Паркент тумани ҳокими М.Кўчичев, «Бухоротуррист» акционерлик жамияти раиси М.Зокиров, Қамати тумани марказий шифохонаси бош шифокори А.Фофуров ўз фикрларини билдирди. Депутатлар ушбу қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

13 декабр кунин иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

ТЕРРОРИЗМ БИЛАН МУРОСА ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Диний-сийёсий экстремизм ва терроризмга қарши Тошкент Резолюцияси: уч йил ўтгач» мавзусидаги халқаро анжуман якунланди.

Унда таъкидланганидек, халқаро террорчилик, диний экстремизм, ақидалараслик каби иллатлар асримизнинг том маънодаги вабосига айланди. Бугун ер юзиде ҳеч бир халқ, ҳеч бир миллат йўқки, унга бу иллатлар хавф солмаётган бўлсин. Энг ачинарлиси, уларнинг хуружидан ҳар йили минглаб беғуноҳ инсонлар ҳалок бўлмоқда: 1999 йилда Тошкентда, кейинчалик АҚШнинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналарида портлашлар содир этилди. Чеченистон, Ливан, Афғонистон, Тожикистон, Индонезияда қонли фитналар уюштирилди. Утган йили 11 сентябрда содир этилган мислсиз ваҳшийлик фақатгина АҚШ эмас, балки бутун дунё аҳолисини ларзага солди. Яқиндагина Россия пойтахти-

да юз берган воқеалар ҳам халқаро терроризмнинг нақадар хавфли эканини яна бир бор исботлади.

Шу боис, халқаро террорчиликка қарши курашда дунё ахли янада ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилиши лозим. Уч йил муқаддам қабул қилинган Тошкент Резолюциясида таъкидланганидек, диний-сийёсий экстремизм ва терроризмнинг ҳаққий диний эътиқодга ҳам, энг юксак инсоний қадриятларга ҳам ҳеч бир алоқаси йўқ. Шундай экан, диндан ёвузлик, миллатлараро адоват кўзғаш, зўравонликка ундаш каби мақсадларда фойдаланаётганлар билан ҳеч қачон муроса қилиб бўлмайди.

О.НОРБЕКОВ, ЎЗА мухбири.

«ЎЗДУНРОБИТА»: ЯНГИ СЕРВИС

«Ўздунробита» компаниясининг Қорақалпоғистон бўлими хизматидан фойдаланганлар сонининг мингга яқинлашди. Уяли алоқа тизими республиканинг барча туманларини қамраб олди. Микозларга қўрсатилган сервис хизмати турлари ортомқда. Яқинда Нукусда беш миң абонента хизмат кўрсатувчи «GSM» янги болганлиги тармоғи иш бошлади.

Дунёнинг қўллаб мамлакатларида самарали қўлланилаётган симсиз алоқа тури катта афзалликларга эга. дейди «Ўздунробита» компанияси Қорақалпоғистон филиали директори Бердах Турдумов. - Тўрт йил муқаддам Қорақалпоғистонда Американинг «NORTEL» фирмаси томонидан «D-AMPS» стандартидаги уяли телефон тармоғи ўрнатилган эди. Эндиликда эса микозларга бирдангина икки андозда хизмат кўрсатиш имконига эга бўлди.

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСАДИ

Навоий кон-металлургия комбинатида қарашли «Агама» давлат трикотаж фирмасининг мамлакатимиз турли ҳудудларида тўқитиш корхонаси мавжуд. Яқинда Зарафшон шаҳрида унинг яна бир корхонаси - тўқув-трикотаж комбинатининг биринчи навбати қуриб битказилди. Бу ерда пахта ва акрил суний толасидан газлама учун ил тайёрланмоқда.

«Агама» корхонасини ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилди, яъни хорижда тайёрланган махсулотнинг ўрнини боса оладиган қийим-кечаклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Фирма ва унинг жойлардаги корхоналарида мингдан ортки киши меҳнат қилмоқда. Улар юз хил турдаги қийим-кечак ва пайпоқ ишлаб чиқармоқда.

Жамонинг келгусидаги режалари янада салмоқли. Зарафшондаги корхонанинг иккинчи навбати ва Навоий шаҳридаги трикотаж фабрикаси ишга тушади, махсулот ишлаб чиқариш ҳамми янада ортади. Шунингдек, «Агама» модалар марказини очиниша тайёргарлик қилинмоқда. Экспорт ҳажмининг ошириш учун Россияда Савдо уяли очини режалаштирилмоқда.

Иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши, қишлоқ инфратузилмасининг ривожланиши, мулкдорлар синфининг вужудга келиши касба уюшмалари фаолиятини янада такомиллаштиришни тақазо этмокда. Деҳқончилик соҳасида катта тажриба орттириб, Андижон технологияси шухратини мамлакатга ёйган миришкорларни ижтимоий-иқтисодий химоялаш, ҳуқуқий манфаатдорлиқни муҳофазалашда бирмунча ишлар амалга оширилди.

Агросаноат мажмуи ҳодимлари касба уюшма вилоят қўмитаси атрофида 519 та бошланғич ташкилот уюшган бўлиб, 306 миң 204 нафар аъзонини бирлаштириб турибди. Утган икки йил мобайнида қўшма корхоналар, деҳқон-фермер, ширкат хўжаликлари ташкил этилиши муносабати билан янгитдан 17 та бошланғич ташкилот тузилди.

Айни пайтда 12 та ҳудудий тармок, 14 та туман ҳамкорлик битимлари,

хўжалик, ташкилот ва муассасаларнинг 519 тасида жамоа шартномалари қабул қилинган.

«Андижонёғмой» ҳиссадорлик жамиятида ҳамкорлик келишувининг 113 бандидан 96 таси бажарилган. Ҳар бир ҳодимнинг ижтимоий химоясида уртача 26 миң сўмдан маблағ сарфланган.

Тармок бўйича меҳнаткашлар ижтимоий химоясига 4 миллиард 450 миллион сўм маблағ кетган. Меҳнат қилаётган пенсионерларга

45,6 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилган.

Қўмита раиси Равшанбек Йўлдошев тармоққа раҳбарлик қилаётганига энди олти ойдан ошди. Унинг елиб-югуришлариға қарамасдан

ИШ ҲАҚИДАН ҚАРЗДОРЛИК

Андижон вилоятида қандай ҳал этилмоқда?

агросаноат мажмуида иш ҳақидан қарздорлик қамаймайтири.

«Пахтаасаноат» вилоят ҳудудий бирлашмаси корхоналарида 268,8 миллион сўмлик маошлар берилмаганлиги ташвишли бир ҳолдир. Иш ҳақидан қарзлар «Андижондонмахсулотлари»да 86,5 миллион, «Агрокимётаъминот»да 127,8 миллион, ширкат хўжаликларида 1 миллиард 174

миллион сўмга етади.

Қарздорлиқни қамайтириш бўйича иш берувчилар олдиға 83,2 миллион сўмлик иш ҳақини ундириш бўйича маҳаллий ҳокимиятларга талабнома қўйилганиға қара-

ИШ ҲАҚИДАН ҚАРЗДОРЛИК

масдан ишда катта ўзгариш бўлгани йўқ. Фақат вилоят прокуратурасининг аралашуви билан 28 миллион сўмлик иш ҳақи ундириб берилди.

Бундан ташқари тизимдаги корхона ва ташкилотларда 10 нафар киши ноқонуний ишдан озод қилинган. Ишлаб чиқариш жараёнида жароҳатланган 17 нафар киши товон пулларини ўз вақтида ололмаган.

Муаммо ва ечим

Иш ҳақидан қарздорлик бўйича Олтинқўл, Ҳўжабод, Жалақудук, Шахрихон МТПлари, Автотранспорт

ИШ ҲАҚИДАН ҚАРЗДОРЛИК

техника хавфсизлиги қоидалари кўпол равишда бузилмоқда. Қўрғонтепа тумани шартномаларининг бажарилишини назорат қилиш инспекцияси ҳодими Н.Ҳайдаров, Андижон консерва заводи ишчиси А.Қодиров, «Андижонўш» ҳиссадорлик жамияти ишчиси У.Каримов кабиларнинг товон пулларини нотўғри тўланаётганлиғи аниқланди ва мавжуд фарқ ундириб берилди.

Шунингдек, тармоқда ижтимоий суғурта маблағларидан ва касба уюшма аъзолик бадалларидан қарздорлик ўсиб бормоқда.

Иш ҳақидан қарздорлик бўйича Олтинқўл, Ҳўжабод, Жалақудук, Шахрихон МТПлари, Автотранспорт

техника хавфсизлиги қоидалари кўпол равишда бузилмоқда. Қўрғонтепа тумани шартномаларининг бажарилишини назорат қилиш инспекцияси ҳодими Н.Ҳайдаров, Андижон консерва заводи ишчиси А.Қодиров, «Андижонўш» ҳиссадорлик жамияти ишчиси У.Каримов кабиларнинг товон пулларини нотўғри тўланаётганлиғи аниқланди ва мавжуд фарқ ундириб берилди.

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

16-22 декабр
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 16

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.45 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Хусор кўриқхонаси».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр тонги. 10.00 «Янги авлод» студияси: «Уй вазира».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

СЕШАНБА, 17

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

ши: «Дўппи», «Гўзаллик оламида».
9.20 «Соз сеҳри».
9.40 «Соглом она - соғлом бола».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

ЧОРШАНБА, 18

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

Пайшанба, 19

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

«Орзулар қанотида».
18.10 «Ажаб саодат эрур».
Бадий-публицистик кўрсатув.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

12.05 «Ажаб саодат эрур».
12.25 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпиони.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

23.50 Жаҳоннинг янги мўъжизалари: «Дельта лойихаси».

ЖУМА, 20

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

00.15-00.20 Хайрли тун, шахрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛИ

Биринчи канал. 7.30-9.00.
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ.
17.15-17.45.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

18.15 «Йил кўшиқлари». Қиш, шахрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Ахборот».
8.40 «Камалак».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Ахборот».
8.40 «Камалак».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Ахборот».
8.40 «Камалак».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Ахборот».
8.40 «Камалак».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Ахборот».
8.40 «Камалак».

Мамлакат тараққиёти, Ватан равнақи ёш авлод тафаккури, баркамол маънавиятига чамбарчас боғлиқдир. Косон туманидаги Мирзо Улуғбек номи 11-ихтисослашган мактаб-интернат жамоаси ўқувчи-ёшларни миллий қадрият ва аъёнларимизга юксак ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашга муҳим эътибор қаратмоқда.

Шу мақсадда билим масканида яқин ва узоқ ўтмишдан ҳикоя қилувчи юзлаб экспонатларни ўзида жамлаган очик музей ташкил этилган. Бу хайрли ташаббуснинг аҳамиятли жиҳати шундаки, тўрт йўналиш бўйича пухта билим олаётган ўқувчилар бой тарихимиз билан танишиш имкониятига эга бўлишмоқда.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.



Адабиёт муҳлислари қалбига ўт солган машҳур шоира Зебунисо бобурийлар хонадонининг кўзга кўринган намоиядларидан ҳисобланади. Унинг отаси Абу Зафар Мухиддин Аврангзеб Оламгир Захириддин Мухаммад Бобурнинг панневараси бўлиб, онаси Дипрасбону Бобурнинг қизи Гулбаданбегимга бориб тугашади. Маълум бўладики, Зебунисо ҳам ота, ҳам она томонидан бобурийзодалар.

Бобурийзодалар орасида бадиий ижод билан шуғулланган шахзода ва маликалар кўп бўлган. Бобурнинг барча фарзандлари соҳиби қалам бўлишгани маълум. Қизи Гулбаданбегим машҳур «Хумоюннома» асарини яратган бўлса, ўғиллари Хумоюн, Комрон, Аскар ва Хиндол Мирзолар форсий ва туркий тилларда ижод қилишган. Улардан Комрон Мирзонинг девонидан намуналар ўзбек тилида нашр этилган.

Ижодкор бобурийлар орасида Зебунисо бегим ўзининг ёрқин истеъдоди билан алоҳида ажралиб туради. У ўз даврининг етук ғазалнавислари-

нинг сарфу наҳви, мантик, адабиёт ва тарихни, хаттоликни ўрганади. У, айниқса, насталик, насх ва шикаста хатларини ёзишда моҳир бўлган. Шунингдек, у уста танбур чертувчи созанда ҳам эди.

Зебунисо «Иродати фаҳм» номи шайрлар баёзи ва «Зебун-нишот» деган мактублар тўпламига тартиб берган. «Зебун-нишот» ҳалигача топилган эмас. Шу билан бирга шоиранинг ўз ижоди намуналари ва севган шои-

Буюк аждодларимиз

Зебунисо бегимнинг Мирзо Бедилнинг қизига мураббийлик қилгани айтилади. Шу тариқа, у ўз замонида илму фан, маданият ва санъатнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатган.

Зебунисо нозиктаб шоира, нуқтадон олима, комил ахлоқ соҳибаси бўлибгина қолмай, хусну жамолда ҳам тенгсиз эди. Шунга қарамай, қандайдир сабабларга кўра унга оила қуриш насиб этмаган. Бу ҳодини маанбаларда турлича талқин қили-

маган даҳонинг даҳолиги дардгумон», деган эди таниқли поляк мутафаккири Станислав Ежце Лец. Дарҳақиқат, буюкларни атрофдагилар тушунамаслиги, кадрламаслиги мумкин, лекин улар ўз имкониятлари ва даражаларини яхши билладилар. Кўплаб машҳур сўз усталарининг ўз макмақоми, асарларининг даражаси ва шухрати ҳақида фахрланиб битган байту мисра-лари бунинг яққол исботидир. Зебунисо ҳам ўзининг шеъриятдаги ўрнини яхши англаган, ғўзаллиги даражасини билган ва куйидаги фахрия-қитъасини ёзган:

Булбул аз гул бигзарад, гар дар чаман бинад маро, Бутпараст кай қунад, гар барҳаман бинад маро. Дар сухан пинҳон шудам чун буй гул дар барги гул, Хар ки дидан майл дорад дар сухан бинад маро.

Таржимаси: *Андалиб гулдан кечар, кўрса чаман ичра мени, Бутпараст бутдан кечар, кўрса бу шаън ичра мени. Гул ҳиди баргиди пинҳон, менда сўз ичра ниҳон, Кимки кўрмоқ истаса, кўрсин сухан ичра мени!*

Аврангзеб қизининг шеър ёзиши ва шу орқали шухрат қозониб, номи номаҳрамлар тилига тушишини хоҳламаган. Зебунисонинг ўзи бу ҳақда киноя билан шундай ёзди:

Эй булбули хушиллор, махрўшу дам фуру каш, Таъби «латиф»и султон тоби сухан надорад.

(Мазмуни: «Эй хушнағма булбул, наво чекишни бас қилу хомуш бўл, султоннинг қўштирноқ ичидаги «латиф» таъбининг бадиий сўзга тоби йўк».)

Зебунисо бегим 1702 йили 63 ёшида Дехлида вафот этади. У шаҳардаги «Зарзари» қабристонига дафн этилган. Шоиранинг қабр тошига унинг ғоят камтарлик билан айтган куйидаги байти ёзилган:

Ба гайра сабза напўшад касе мазори маро, Ки қабрпўши ғарбон ҳамин гийёх бас аст.

(Мазмуни: «Сабзадан ўпа нарса менинг қабримни ёғмайди, зеро, ғариблар мазорини ёпиш учун шу гийёхнинг ўзи етарлидир».)

Муҳтасар қилиб айтганда, адабий истеъдод кучи ва шеърларининг бадиий баркамоллиги жиҳатидан Зебунисонинг ўзбек мумтоз сўз санъатида фақат хассос шоира Нодира билан тенг қўйиш мумкин.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди.

БИЛАСИЗМИ?

Биз пахтани «оқ олтин», «ризк-рўзимиз» дея ардоқлаймиз. Ота касбимиз бўлган пахтачилик жуда қадимдаёқ деҳқончиликнинг муҳим тармоғи бўлган. Айтишларича, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида икки минг йил аввал ҳам пахта экилган экан.

Аммо узоқ асрлар мобайнида пахтадан тўлиқ фойдаланилмаган. Масалан, XVIII аср охирида дунё бўйича кийим-кечак ва бошқа хил тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлашда фойдаланилган табиий (пахта, жун, зигир, ипак) то-лаларнинг 77 фоизини жун, 18,5 фоизини зигир ташкил этарди.

Орадан юз йил ўтиб, пахта толаси биринчи ўринга чиқди. XIX асрда бутун жаҳонда ишлатилган жамики толаннинг 73 фоизини пахта, 20,5 фоизини жун ташкил этди. Ҳозирги кунда дунё бўйича тўқимачилик ва бошқа соҳаларда фойдаланилаётган барча толаннинг 84 фоизи пахтадан олинмоқда.

Ўза парвариши, пахта териш ва уни қайта ишлаш, агротехника тадбирлари билан боғлиқ бўлган барча ишлар механизациялаштирилган. Янги ва серҳосил ўза навлари етиштирилаётгани пахтачилик истикболи сари кенг йўл очмоқда.

А.АЛИЕВ.

Улоқ-кўпкари бўйича I республика чемпионати бошланди
САМАН ОТНИ КИШНАТИБ

Жиззахдан махсус мухбиримиз Абдуманнон АЗИМОВ хабар қилади.

Мустақиллик шарофати билан миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари ривож топиб, халқаро майдонга чиқмоқда. Куни кеча Жиззахда бошланган улоқ-кўпкари бўйича I республика чемпионати ҳам фикримиз исботидир. Зеро, биринчиликни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ушбу миллий спорт турини оммавийлаштириш, иқтидорли чавандозлар ва чидамли отларни саралаб, мамлакат терма жамоасига жалб қилишдан иборат.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, Улоқ-кўпкари федерацияси ҳамда Жиззах вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур мусобақада республика миқёсининг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳридан жамоалар иштирок этмоқда. Бевосита беллашувларга тўхталадиган бўлсак, илк чемпионатни Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари вакиллари бошлаб беришди. Маҳорат бобида бир-бирларидан қолишмаган чавандозлар ўртасидаги беллашувда ҳисоб очилмади. Тошкент шаҳри ва мезонлар ўртасидаги баҳсда эса 2:1 ҳисоби қайд этилди. Фарғона ҳамда Навоий вилоятлари жамоалари беллашувида водийлик чавандозлар - Элмурод ва Аслбек полвонларнинг чаққон хатти-ҳаракатлари кўпчиликда илик таассурот уйғотди.

Мусобақалар давом этмоқда.

ЎЗАЛЛИКНИ ТУШУНИШГА ЎРГАТАДИ

Замонавий санъат мерани ҳам шундай эркин ишга сола олади, яъни унинг шеърлари ва ҳикояларига хос илҳом ва маҳорат кучи ажойиб фотосуратларида ҳам намоён бўлади.

Дайсаку Икеда ёзувчи, файласуф, шоир ва педагог сифатида машҳур ҳамда БМТ Тинчлик мукофоти, «Шоирлар дафна тожи» умумжаҳон уюшмасининг фахрий унвонига ва бошқа шарафли мукофотларга сазовор бўлган. У кўплаб китоблар, жумладан романлар, қиссалар ва эсселар, болалар учун эртақлар мураллифидир.

Д.Икеда ҳақида Сингапур Фотосуратчилари жамиятининг президенти шундай деган: «У қалам билан қандай муомула қилса, фотока-

«Туркистон-пресс»

Тақдимот

ЁШ АКТЁРЛАР СПЕКТАКЛИ

Наманган санъат коллежи драматик актёрлар факультети ўқувчилари ўзларининг ўқув театрини ташкил этди. Коллежнинг ёш актёрлари томонидан ижро этилган биринчи спектакллардан бири «Алвидо, болалик» деб аталади. Ушбу асар таниқли ёзувчи ва драматург Тохир Малик қаламига мансуб.

Мазкур ўткир сюжетли асар ҳозирги ёшлар томонидан давр, унинг муаммолари ва қувончлари қандай қабул қилиниши, йигит ва қизларнинг мақсад ва инти-лишлари ҳақида ҳикоя қилади. Спектаклнинг охирида асар қаҳрамонлари ўзгаларнинг қулфатига лоқайдли-ги, бунинг жожеали оқибатлари учун афсусланади.

Бадиий раҳбар В.Арабов ва режиссёр Т.Отановов бошчилигидаги ёш артистлар коллеж ўқитувчилари ёрдамида саҳнада реализм ва табиийликка эриша олди. Наманганлик театр илхосмандлари янги спектаклни муносиб баҳоламоқда.

«Ўзбекистон-Россия» дўстлик жамияти Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган кўплаб тадбирларни ўтказмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири - Ўзбекистонда Россия киноси кунлари 10 декабрдан 14 декабрга қадар республика Киночи-лар уйида ўтказилади.

РОССИЯ КИНОСИ КУНЛАРИ

Мазкур кино байрами Ўзбекистон рус маданият маркази, Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Россия хорижий марказининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан уюштирилган.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида россиялик таниқли кино усталарининг бешта фильми томошабинлар эътиборига ҳавола этилади. Улар орасида нуфузли халқаро кинофестивалларда иштирок этган асарлар ҳам бор.

(ЎЗА).



Юз-кўзи маматалоқ бўлиб кетган миждоз травматологга ёрдам сўраб келди. Шифокор қизиқиб сўради:

- Нима учун сизни бу ахволга солишди?

- Ҳаммасига ихтиро қилмоқчи бўлганим сабаб, - тушунтирди бемор. - Мен электр қурилма ёрдамида курт-кумурсқаларни ер юзига олиб чиқмоқчи эдим. Чиндан ҳам аввал курт-кумурсқалар қуринди, сўнг эса... шахтёр-

лар! Кейин нима бўлгани эсимда йўқ. ...

Уй тўйига келиб, то ярим тунгача «ушланиб қолган» мехмон мезбондан сўради:

- Нега деворга това билан болга осиб қўйибсан. Нима, уларга ошхонадан жой топилмадими?

- Нима дейсан, - деди мезбон, - бу менинг гапи-

рувчи соатим-ку!

У шундай дея болга билан товони урди. Шу заҳоти девор ортидан овоз келди:

- Тинчлик борми-йўқми? Соат тунги бирдан ошди-ку!

...

Старшина саф тортган аскарларнинг саволга турди:

- Ким мусиқани ёқтир-

эрни саволга тутмоқда:

- Айтинг-чи, нима учун хотинингиз билан ажрашмоқчисиз?

- Мен бундай бесабр хотин билан ортик яшолмайман, - изох берди эр. - Фараз қилинг: теварак-атрофда кўкман. Мен телеви-зор орқали Наврўз байрамини мириқиб томоша қиляпман. Хотиним эса «Қачон арчани йи-гиштириб қўясиз?», - дея хархаша қилгани қилган.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Тахир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.30

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот Кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерлари терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.